



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ

ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ
АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ИЖРОСИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ





Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2019 йил 2 ноябрдаги
«Хуқуқий мониторингнинг
замонавий механизмлари
асосида қонун хужжатлари
ижросининг
самарадорлигини ошириш
чора-тадбирлари
тўғрисида»ги
ПҚ-4505-сон қарори қабул
қилинишининг зарурияти

- Қонун хужжатларини қўллаш
самарадорлигини таҳлил қилиш ва
баҳолаш фаолияти етарлича
ташкил қилинмаганлиги;
- Қонунчилик натижадорлигини
мониторинг қилишнинг таъсирchan
ташкилий-хуқуқий механизми тўлиқ
йўлга қўйилмаганлиги;
- Бозор қонуниятларига мос миллий
қонунчилик тизимини
шакллантирилмаётгани;
- Бошқа масалалар ечимини бериш.



Қарор билан



Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросининг хуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида **НИЗОМ** тасдиқланди



ЎзР Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Адлия вазирлиги тўғрисидаги **НИЗОМГА** қўшимчалар киритилди (Низомнинг 10-бандининг 4-кичик банди хатбошилар билан, 12-бандида 5-кичик банд хатбоши билан ва 34-кичик банд билан билан тўлдирилди)



Мониторинг нима?

- Мониторинг-ваколатли орган томонидан, шакллантирилган рўйхат асосида, белгиланган аниқ мақсадга кўра, қисқа ёки узоқ муддатга мўлжалланган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси, таъсири ва қўлланиш амалиётида ўрнини аниқлашга қаратилган, кузатувга олинган, маҳсус техника ва технологияларни ҳамда усулларни қўллаш асосида холосага келиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилган жараён.
- Мониторинг- назорат ёки текширув эмас.
- Мониторинг ўтказувчи субъект унинг натижаси бўйича қарор қабул қилмайди.

ҚУЙИДАГИЛАР ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ:



норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш



ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш



ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш

ҚУЙИДАГИЛАР ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ:



норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш



норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини тақрорловчи ва коллизион нормаларни аниqlаш ва бартараф этиш



норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш

НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ:

- 1** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
- 2** Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари
- 3** Ўзбекистон Республикасининг қонунлари
- 4** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари
- 5** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари
- 6** Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари
- 7** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари

2021 йил
1 ноябрь
холатида
Миллий
маълумот-
лар
базасидаги
мавжуд
ҳужжатлар
сони

Президен
т
ҳужжатла
1397
7

Ҳукумат
қарорлар
и
2890
7

Вазирлик,
давлат
қўмиталари
ва
идораларни
хужжатла
2236
нг

Маҳаллий
давлат
ҳокимияти
органлари
қарорлари
9551

Халқаро
ҳужжатла
446
9

Суд
ҳужжатла
ри
845

Суд
амалиёти
1387

Олий
Мажлис
палатала
қарорлар
и
420

Қарорда қуидагилар белгилаб қўйилди:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифаси эканлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлиги уларни амалда қўллаш бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш йўли билан аниқланиши;
- ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилиши;

- ҳуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширилади;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан қўшимча ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этилган тақдирда, ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танлаб олиб, такрорий ҳуқуқий мониторинг ўтказишига ҳақли эканлиги;
- ҳуқуқий мониторингни ўтказишида давлат бошқаруви органлари адвокатлар, илмий-таълим муассасалари мутахассислари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб қилишига ҳақли.

- Юқоридаги тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли орган этиб белгиланди.




Адлия вазирлигига қуийдаги ҳуқуқлар берилди:

- давлат бошқаруви органлари томонидан үтказиладиган ҳуқуқий мониторингда иштирок этиш;
- давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий мониторингни үтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

Давлат бошқаруви органлари:

- а) ҳар йили 1 февралга қадар:
- ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиришни ва биринчи раҳбар имзоси билан Адлия вазирлигига тақдим этишни;
- мониторинг режасига мувофиқ ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Адлия вазирлигига тақдим этишни;

- б) ҳар чоракда мониторинг режасига мувофиқ таҳлилий маълумотлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилишини таъминлаши лозимлиги белгиланди.



Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

- а) давлат бошқаруви органларининг таклифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

- б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида **қўйидагиларни назарда тутувчи ҳисоботни** Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим:
- мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича таклифлар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.




Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳар
йили **20 мартга қадар**
мониторинг режасини
ҳамда ҳуқуқий
мониторинг натижалари
тўғрисида ҳисоботни
Вазирлар Маҳкамаси
Раёсати мажлисида
муҳокама қилган ҳолда
тасдиқлайди.

Қарор билан қуидагилар белгиланди:

- давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳуқуқий мониторингни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, мониторинг режаси бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўтказилиши ҳолати бўйича ахборотни белгиланган муддатларда киритиш учун **шахсан жавобгар** ҳисобланиши;
- ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, қарорда назарда тутилган ташкилий тадбирлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг **ягона электрон тизими**да ташкил этиладиган маҳсус электрон майдончада амалга оширилиши.

Адлия вазирлиги Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида:

- хуқуқий мониторинг иштирокчилари ўртасида тезкор электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;
- мониторинг режасини шакллантириш;
- ўтказилган хуқуқий мониторинг якунлари бўйича тайёрланган материалларни жойлаштириш имконини яратувчи маҳсус электрон майдончани жорий этиш чораларини кўриш;



Адлия вазирлиги мунтазам
равишда маҳсус электрон
майдончанинг түғри
бошқарилишини
мувофикалаштириши,
шунингдек, ўтказилган
ҳуқуқий мониторинг якунлари
бўйича жойлаштирилган
материалларни таҳлил қилиб
бориши белгиланди.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий
мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом:**



- 1-боб. Умумий қоидалар (1-7 банд).
- 2-боб. Мониторинг режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби (8-11 банд).
- 3-боб. Ҳуқуқий мониторингни ўтказиш тартиби (12-17 банд).
- 4-боб. Ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини назорат қилиш (18-22 банд).
- 5-боб. Ҳуқуқий мониторинг натижалари бўйича якуний маълумот (23-27 банд).
- 6-боб. Якунловчи қоидалар (28-29 банд).

M A K С А д

- 1
- 2
- 3
- 4

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий (салбий ва ижобий) оқибатларни аниқлаш жисмоний ва юридик шахсларга асоссиз харажат қилиш ва ортиқча мажбурият юклаш, тақиқ ва чекловларни аниқлаш норма ижодкорлигига жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш



- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш схемасида **8 та босқич**да амалга оширилиши жараёнлари кўрсатилган, улар:
 - Босқичлар.
 - Субъектлар.
 - Тадбирлар.
 - Муддатлар.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!

